



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 25 ноябрь, № 248 (7750)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАДБИРКОРЛИКНИ ВА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 ноябрь куни ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳамда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, йил бошида ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими халққа муурожаат қилиб, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича аниқ режаларини белгилаб олган эди. Уларни амалга ошириш мақсадида, бу йилги мураккаб синовларга қарамадан, бизнесни қўллаб-қувватлаш учун етарли ресурслар ажратилиб, барча зарур шароитлар яратилди.

Йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларининг асосий вазифаси ва зиммасига олган мажбурияти — янги иш ўринлари яратиш, эскирётган объектларни "темир дафтар"дан чиқариш борасидаги ишлар натижадорлиги кўриб чиқилди.

Масалан, Сирдарё вилоятида 10 ойда 12 мингта доимий иш ўрни ташкил этилган. Натижада "темир дафтар"га киритилган ишсиз фуқароларнинг 90 фоизи бандлиги таъминланган.

Худди шундай, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва Китоб тумани, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Учқудук, Навоҳор туманлари ва Зарафшон шаҳрида кўп иш ўрни яратилгани кайд этилди. Шу билан бирга, бу борада аҳвол қониқарсиз бўлган туманлардаги суқастхилликлар кўрсатиб ўтилди.

— **Ҳар бир ҳаудда тадбиркорликни ривожлантиришнинг катта ресурслари бор. Фақат уни ишга солиш керак. Худуд раҳбарлари ҳар кун бу ҳақда ўйлаши ва изланиши лозим, — деди давлатимиз раҳбари.**

Мазкур йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида жами 4 триллион сўм ажратилиб белгиланган эди. Лекин йил давомида қўшимча маблағлар ҳам йўналтирилди, аҳоли ва тадбиркорларга жами 5,2 триллион сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Йиғилишда ушбу маблағларнинг самарадорлиги таҳлил қилинди. Мисол учун, Шовот туманида 26 миллиард сўм оилавий кредит ажратилиб, бир ярим мингта иш жойи яратилган. Яъни 1 миллиард сўм кредитга 56 та янги иш ўрни тўри келган.

Бу кўрсаткич Қўшработда 57 та, Музработда 49 тани ташкил этган.

Бугунги кунда тадбиркорларнинг қарийб 1 триллион сўмлик янги лойиҳалари учун кредитларга талаби борлиги кайд этилди. Молия вазирлигида янги жалб этилган еврооблигация маблағларидан 1 триллион сўмни Халқ банки, "Микрокредитбанк" ва "Агробанк"ка оилавий тадбиркорлик дастурлари учун ресурс сифатида жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Халқ банкига хотин-қизлар тадбиркорлиги учун лойиҳалар тайёрлаб, уларга шу бизнесини йўлга қўйишни ўргатиш топшириғи берилди. Бунда банк ходимлари аёллар билан миқозбай, маҳаллабай, туманбай бевосита ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имтиёзлар натижаида 10 ойда 78 мингта корхона ташкил этилган. Хусусан, Ховос туманидаги янги кичик саноат зонасида 7 та лойиҳа натижаида 500 та иш ўрни яратилган. Умуман, туманда жами 170 та янги корхона очилган.

Евёвон, Учтепа, Шофиркон ва Бекобод туманларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар танқид қилинди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағилликни қисқартириш вазирлиги бундай жойларда тадбиркорларга ҳар томонлама қўмак бериш бўйича "бизнес-патронаж" тизимини йўлга қўйиш топширилди.

Пандемия даврида вақтинча ишла-

май турган 96 мингта корхона ўз фаолиятини тиклагани кайд этилиб, қолган бизнес субъектларига ҳам бу борада қўмаклашиш муҳимлиги таъкидланди.

Худудларда тадбиркорларни ер масаласи кўп қийнаётгани, бу борада қўллаб муурожаатлар бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда жойларда инфратузилмани яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ривожланишдан орқанда қолаётган 22 та туман учун инвестиция дастури доирасида 264 миллиард сўм, бошқа худудлар учун қўшимча 736 миллиард сўм йўналтирилиши кайд этилди.

Иш ўринлари ташкил этиш, тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзибўларчиликка йўл қўйган Бухоро, Жондор ва Сирдарё туман ҳокимларини лавозимидан озод этиш масаласи қўйилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳокимларнинг ҳисоботини маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиб, фаолиятига баҳо бериш, шунингдек, 2021 йил учун аниқ режаларни белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Хизматлар иқтисодиётининг муҳим қисми. Дунёда сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада яратилади.

Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарёда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар паст.

Йиғилишда бу соҳада захиралар кўплиги таъкидланиб, худудларда хиз-

матлар ва сервис соҳасини ривожлантириш келгуси йилги устувор йўналиш этиб белгиланди.

Авалло, йўлбўйи инфратузилмасини яхшилаш орқали 700 миллиард сўмлик қўшимча хизматлар яратиш имкони борлиги таъкидланди. Жумладан, 150 дан ортиқ туман ва шаҳарлардан ўтадиган 10 минг километр йўлда 400 дан зиёд йирик сервис объектлари учун эътиёж мавжуд.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга Тошкент — Андижон, Тошкент — Термиз ҳамда Самарқанд — Нукус халқаро йўллари ёқасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Инвесторлар иштирокида истироҳат боғлари ҳамда хибронларнинг бир қисмида энгил конструктория савдо, умумий овқатланиш ва кўнгулчор объектлар ташкил этиш, таъмин, маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш объектларининг бўш турган қисмини тадбиркорларга бериш орқали ҳам қўллаб хизматларини йўлга қўйиш мумкин.

Тадбиркорларни жалб қилган ҳолда спорт объектлари қуриш учун келгуси йилда 500 миллиард сўм кредит ажратилиши белгиланди.

Бугунги кунда агро саноат тармоғи изчил ривожланиб, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар ва чорвачилик хўжалиқлари учун агроном, зоотехник, ветеринар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, уруғчилик бўйича мутахассисларга талаб ошиб бормоқда.

Шу боис соҳада замонавий хизматлар кўламини кенгайтириш, хорижий мутахассисларни жалб қилиб, амалий ўқув курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Транспорт соҳаси хизматларида энг

юқори улушга эга. Бу борада аҳолининг энг кўп норозилигига сабаб бўлаётган жамоат транспорти бўйича Тошкент шаҳрида янги тизим жорий этилмоқда.

Транспорт вазирлигига хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Нукус шаҳри, вилоятлар маркази ва йирик шаҳарларда ҳам жамоат транспорти тизимини ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, хизматлар бўйича йиллик тушуми 1 миллиард сўмдан кам бўлган тадбиркорлар учун қўшилган қиймат солиғини чорак якуни бўйича тўлаш тартиби давом этирилиши маълум қилинди. Ушбу чора 8 мингдан зиёд тадбиркорлар ихтиёрида бир чоракда 220 миллиард сўм айланма маблағ қолишига имкон беради.

Шунингдек, товар ва хизматларни экспорт қилган корхоналарга қўшилган қиймат солиғи валюта тушумини кутмасдан қайтариб берилади. Бу қўлайлик натижаида тадбиркорлар ихтиёрида бир чоракда 200 миллиард сўм айланма маблағ қолади. Мутасадди вазирликларга шу бўйича кўрсатмалар берилди.

Умуман, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз худудида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини тузиб, сўзсиз амалга ошириши кераклиги белгиланди. Бу борада намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиб, молиялаштиришга қўмаклашиш учун тижорат банлари худудларга бириктирилди. Барча туманлар кесимида аниқ вазифаларни ўз ичига олган ҳуқуқат қарори қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 28 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқуланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади геном бўйича давлат рўйхатиға олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг геном бўйича давлат рўйхатиға олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **биологик материал** — одамнинг ёки вафот этган одам (мурда) танасининг (қолдиқларининг) геномга оид ахборотга эга бўлган ҳужайралари, тўқималари ва ажралмалари;

биологик қариндошлар — қон-қариндошликда бўлган шахслар: ота, она, ўғил, қиз, бобо, буви, набиралар, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, амакиваччалар, тоғаваччалар, амамаваччалар, холаваччалар, амакилар, тоғалар, аммалар, ходалар, жиянлар;

геном бўйича давлат рўйхатиға олиш — биологик материални олиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ва йўқ қилиш, шунингдек одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган, давлат органлари ва муассасалари томонидан амалга ошириладиган фаолият;

геномга оид ахборот — одамнинг ёки таниб олинмаган мурданинг дезоксирибонуклеин кислотасининг (бундан бўён матда ДНК деб юртилади) муайян қисмлари тўғрисидаги кодланган ахборотни ўз ичига олган шахсга доир маълумотлар; **геномга оид ахборотга ишлов бериш** — геномга оид ахборотни йиғиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, ундан фойдаланиш, тўсиб қўйиш, эгасизлантириш, уни беришга ва йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар;

геномга оид ахборотни олиш — суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга ошириладиган биологик материалдан олинган ДНКнинг муайян қисмлари тўғрисидаги кодланган ахборотни олишга қаратилган фаолият; **геномга оид ахборотдан фойдаланиш** — одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилишга ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлашга қаратилган, геномга оид ахборот билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар;

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси — геном бўйича давлат рўйхатини амалга оширишда олинган геномга оид ахборот ва одамнинг шахси ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган автоматлаштирилган ахборот тизими; **одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси** — геномга оид ахборотни олиш, одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш мақсадида суд-экспертиза муассасаси томонидан ўтказиладиган молекуляр-генетик усулларни қўллаган ҳолда биологик материални тадқиқ этиш тури.

4-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиға олишнинг асосий принциплари

Геном бўйича давлат рўйхатиға олишнинг асосий принциплари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, қонунийлик, инсонпарварлик, ошкор этмасликдан иборатдир.

5-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши

Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда амалга оширилади ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирмаслиги, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги керак.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Германия: СИЁСИЙ ИШОНЧ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гюнтер Лео Оверфельд билан учрашди.

Ҳамкорлик

Сўхбат давомида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.

— Германия Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкори ҳисобланади, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева. — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига, шунингдек, Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-

Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифлари мамлакатимиз ташқи сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Коронавирус пандемиясига қарамай, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатлар йўлга қўйилди. Парламентларо муносабатлар ҳам ривожланмоқда, бироқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланилган, деб бўлмади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

2021 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси: ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР АКС ЭТМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов иштирок этди. Парламент аъзоларига қонун лойиҳаси билан бирга 2022-2023 йилларда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози ҳам тақдим этилди.

Мажлисида қонун ташаббуси субъектлари сифатида қатнашган Молия вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идора раҳбарлари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва концепциясига тўхталиб ўтишди. Парламентга тақдим этилган қонун лойиҳаси макроиқтисодий сиёсатнинг 2021 йил

учун асосий йўналиш ва кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам коронавирус пандемияси давом этиши эҳтимоли борлигидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бунда асосий эътибор макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга, яъни ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда, 5,1 фоиз миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,8 фоиз, қурилишда 6,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 2,7 фоиз ва хизматлар соҳасида 6,4 фоиз кўпайиши назарда тутилмоқда.

3

ТЕХНОПАРК — ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАСИ



Медиа-тур

Шу йилнинг 20 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш жараёнида Яшнобод туманида жойлашган Технопарк ҳам ташриф бурди. Ушбу замонавий мажмуани кўздан кечирган давлат раҳбари ишлаб чиқариш соҳасидаги ислохотлар борасида ўз фикрларини билдирди.

Кунги кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Технопаркда амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тур ташкил қилинди.

Ушбу инновация технопарки 2019 йил 1 майда "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб

чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида ташкил этилган.

4


СУД ҚАРОРЛАРИ — ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, КЕЛТИРИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШДА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Жорий йилнинг 10 ойида Бош прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросига **4 МИЛЛИОНГА ЯҚИН** ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, шундан **1 МИЛЛИОН 200 мингтаси** бажарилмаган.

Яъни бугунги кун ҳолатига кўра **17 ТРИЛЛИОН** сўмлик ҳужжатлар ижроси таъминланмай турибди.

Бунинг **7,2 ТРИЛЛИОН** сўми давлат ундирувига,

қолган **9,7 ТРИЛЛИОН** сўми жисмоний ва юридик шахсларга тегишли.



Ушбу маблағларнинг ундирилиши тадбиркорларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда қўллаб ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

6-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишда қонунийлик принципига риоя этиш

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишда инсонпарварлик принципига риоя этиш

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга ошириш инсоннинг ҳаётига, соғлимига ҳавф тўғирмаслиги, унинг шаъни, қадр-қимматини камситмаслиги ва унга жисмоний азоб етказмаслиги керак.

8-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишда ошкор этмаслик принципига риоя этиш

Геномга оид ахборот, шунингдек геном бўйича давлат рўйхатидан ўтказилаётган одамнинг шахси ҳақидаги маълумотлар махфийдир.

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишда геномга оид ахборот, шунингдек одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларни шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошқор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг униччи қисмида белгиланган ҳоллар мустасно.

Геномга оид ахборотни, шунингдек одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларни шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз тақдим этишга терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суднинг сўровларига биноан йўл қўйилади.

9-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар давлат органлари ва муассасалари қўйидагилардан иборат:

терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суд;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Адлия вазирлигининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари (бундан буён матнда суд-экспертиза муассасалари деб юритилади).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

10-модда. Терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг ҳамда суднинг геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суд ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

биологик материални олишни (бевосита ёки мутаҳассисни жалб этган ҳолда) амалга ошириш;

геномга оид ахборотни олиш учун биологик материални суд-экспертиза муассасаларига юбориш;

суд-экспертиза муассасаларидан одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси натижаларини олиш;

одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш, шунингдек Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига геномга оид ахборотни киритиш учун геномга оид ахборотни геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги ваколатли давлат органига юборишни суд-экспертиза муассасаларига топшириш.

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга ошириш чоғида биологик материални олишда терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг эксперт текшируви учун намуналар олиш учун белгиланган талабларига, шунингдек ушбу Қонун талабларига риоя этиши шарт.

11-модда. Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг ваколатлари

Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади):

Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини юритади;
Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотга ишлов бериш чораларини амалга оширади;

терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларга ва судга одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;
геномга оид ахборотнинг бут сақланиши ва ошқор этилмаслигини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувofiқ Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни муҳофза қилиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни амалга оширади.

12-модда. Суд-экспертиза муассасаларининг геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суд-экспертиза муассасалари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

биологик материални олишни амалга ошириш;
одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси натижаларига кўра геномга оид ахборотни олиш;

геномга оид ахборотдан фойдаланиш.

Суд-экспертиза муассасалари:

одам ДНКсининг суд-биологик экспертизасини қонун ҳужжатлари талабларига мувofiқ ўтказиши;

одамнинг шахсини, таниб олинмаган мурдани идентификация қилиш ва (ёки) биологик қариндошликни аниқлаш тўғрисидаги маълумотларни терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларга ва судга тақдим этиши;
геномга оид ахборотнинг бут сақланиши ва ошқор этилмаслигини таъминлаши;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишда геномга оид ахборотни ва биологик материалнинг ахборот картасини ваколатли давлат органига юбориши шарт.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шўн жумладан воёга етмаганларнинг, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларнинг қонуний вакиллари геном бўйича давлат рўйхатиغا олишни амалга оширишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиغا олинишни уни амалга оширинишг исталган босқичда рад этиш;
ўзининг геномга оид ахбороти ёки ўзи қайси шахсларнинг қонуний манфаатларини ифодалаётган бўлса, ўша шахсларнинг геномга оид ахбороти билан танишиш;

ўзининг геномга оид ахборотиغا ёки ўзи қайси шахсларнинг қонуний манфаатларини ифодалаётган бўлса, ўша шахсларнинг геномга оид ахборотини йўқ қилиш тўғрисида ариза бериш, бундан геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиغا олиниши лозим бўлган шахслар мустасно.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиغا олинishi лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар биологик материални олиш тартиби-таомилидан ўтиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

2-бoб. Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш

14-мoдда. Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш тартиби

Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш қўйидаги тартибда амалға оширилади:

биринчи бoсқичда биологик материални олиш амалға оширилади;

иккинчи бoсқичда биологик материалдан геномға оид ахборот олинди;

унинчи бoсқичда геномға оид ахборот Геномға оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига киритилади.

15-мoдда. Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш турлари

Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олиш ва геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиш тарзида амалға оширилади.

16-мoдда. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёзма аризасига кўра пулли асосда амалға оширилади.

Воёга етмаганларни ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олиш улар қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра амалға оширилади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олишни амалға оширганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва микдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш натижасида келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йналтирилади.

Бедарак йўқолган шахсларни қидиришга кўмаклашиш мақсадида уларнинг биологик қариндошлари бепул асосда геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олишдан ўтиши мумкин.

17-мoдда. Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш

Қўйидагилар геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиниши лозим:

огир ва ўта огир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслар;

огир, ўта огир жиноятларни содир этганлик, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар (бундан буён матнда геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахслар деб юритилади);

биологик материални терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслар;

таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари).

3-бoб. Биологик материални олиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, бериш ва йўқ қилиш

18-мoдда. Биологик материални олиш ва ундан фойдаланиш

Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға оширишда биологик материални олиш:

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиниши лозим бўлган, ҳукм қилинган шахслардан – ички ишлар органларининг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутаҳассисни жалб этган ҳолда;

огир ва ўта огир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслардан – терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалға оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутаҳассисни жалб этган ҳолда;

биологик материални терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслардан – терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалға оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутаҳассисни жалб этган ҳолда;

таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқларидан, қисмларидан) – терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалға оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки мутаҳассисни жалб этган ҳолда;

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан ўтаётган шахслардан – суд-экспертиза муассасаларининг мутаҳассислари томонидан амалға оширилади.

Бедарак йўқолган шахсларнинг биологик қариндошлари бўлган воёга етмаганлардан ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслардан биологик материал олиш улар қонуний вакилларининг ёзма розилигига кўра ва уларнинг ҳозирлигида амалға оширилади.

Биологик материални олишни амалға оширишда геном бўйича давлат рўйхатиға олиниши лозим бўлган шахсга биологик материални олишни ўтказиш асоси ва тартиби тушунтирилади.

Биологик материал дастлаб лозим бўлмаган даражада, геномга оид ахборот олишни истисно этадиган тарзда олинган тақдирда суд-экспертиза муассасаларининг ёзма сўровига биноан тақрорий олиш амалға оширилади.

Илгари геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган шахс ҳукм қилинган тақдирда, геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш учун биологик материал олинмайди.

Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға оширишда олинган биологик материалдан фақат геномга оид ахборот олиш учун фойдаланилади.

Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға оширишда биологик материални олиш ва ундан фойдаланиш тегишли тайёргарликка эга бўлган шахслар томонидан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг соғлимига зарар етказилишини истисно қиладиган, биологик материални олишининг барча нормалари ҳамда қоидаларига риоя этилган ҳолда амалға оширилади.

19-мoдда. Биологик материалнинг ахборот картаси

Геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш чоғида биологик материал олишда ушбу биологик материални олишни амалға оширувчи шахслар томонидан ўзида биологик материални олиш амалға оширилаётган ҳар бир шахсга нисбатан биологик материалнинг ахборот картаси тўлдирилади.

Биологик материалнинг ахборот картаси икки нусхада расмийлаштирилади. Унинг бир нусхаси биологик материални олишни амалға оширувчи давлат органида қолади, иккинчи нусхаси геномга оид ахборотни олиш учун биологик материал билан бирга суд-экспертиза муассасасига юборилади.

Биологик материал суд-экспертиза муассасаси томонидан олинган тақдирда, биологик материалнинг ахборот картаси бир нусхаси суд-экспертиза муассасасида қолади, иккинчи нусхаси геномга оид ахборот билан бирга ваколатли давлат органига юборилади.

Биологик материалнинг ахборот картаси ва геномга оид ахборот Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига киритиш учун суд-экспертиза муассасаси томонидан ваколатли давлат органига юборилади.

Огир, ўта огир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслардан, шунингдек геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиниши лозим бўлган, ҳукм қилинган шахслардан биологик материални олиш чоғида биологик материалнинг ахборот картасига қўйидаги маълумотлар киритилади:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), фуқаролиги, миллати, жинси, туғилган санаси ва жойи, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи ва рақами;

биологик материални олишни амалға оширувчи давлат органининг номи;

биологик материални олишни ўтказиш санаси ва асоси;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шахс ҳукм қилинган моддаси, бундан ишда огир ва ўта огир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслар мустасно;

биологик материални олишни амалға оширувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), лавозими ва имзоси.

Биологик материалнинг ахборот картаси биологик материал олинган шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан имзоланади. Имзо қўйиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда унда ёзиб қўйилади.

Биологик материални терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларни геном

бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш чоғида биологик материални олишда ушбу модда бешинчи қисмининг унинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларда назарда тутилган маълумотлар, шунингдек жиноят ишининг рақами (мавжуд бўлган тақдирда), жиноятни квалификация қилиш, ҳодисанинг санаси ва жойи тўғрисидаги маълумот биологик материалнинг ахборот картасига киритилади.

Таниб олинмаган мурдаларни (тана қолдиқларини, қисмларини) геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш чоғида биологик материални олишда ушбу модда бешинчи қисмининг унинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар, шунингдек таниб олинмаган мурда (тана қолдиқлари, қисмлари) аниқланган сана ва жой, унинг жинси, алоҳида белгилари ва ўлими сабаблари (аниқланган тақдирда) ахборот картасига киритилади. Биологик материалнинг ахборот картасига процессуал ҳаракат баённомасининг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Бедарак йўқолган шахсларнинг биологик қариндошларидан геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш чоғида биологик материал олишда ушбу модда бешинчи қисмининг иккинчи, унинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар биологик материалнинг ахборот картасига киритилади. Биологик материалнинг ахборот процессуал ҳаракат баённомасининг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олишни амалға ошириш чоғида биологик материални олишда ушбу модда бешинчи қисмининг иккинчи, унинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар биологик материалнинг ахборот картасига киритилади.

20-мoдда. Биологик материални сақлаш муддатлари

Таниб олинмаган мурдаларнинг, огир ва ўта огир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларнинг, шунингдек биологик материални терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларнинг биологик материални сақлаш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда аниқланади.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға оширишда олинган биологик материал олинган кундан эътиборан то ушбу материалдан геномга оид ахборот олингунига қадар сақланади.

21-мoдда. Биологик материални бериш

Биологик материал терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалға оширувчи бир органдан ҳамда суддан бошқа органга ва судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Биологик материални униччи шахсларга бериш тақиқланади. Биологик материални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига бериш тақиқланади, бундан биологик материалнинг алоҳида жиноят ишлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунарига мувofiқ берилиши мустасно.

22-мoдда. Биологик материални йўқ қилиш

Биологик материални тиклаш мумкин бўлмай қолишига олиб келадиган ҳаракатлар биологик материални йўқ қилишдир.

Бедарак йўқолган шахслар биологик қариндошларининг, таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқлари, қисмларининг), огир ва ўта огир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларнинг, шунингдек аниқланмаган шахсларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган ҳамда жиноят иши бўйича ашёвий далил деб топилган биологик материални геномга оид ахборот олинганидан кейин терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалға оширувчи давлат органиларига қайтарилади.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатиға олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатиға олишни амалға оширишда олинган биологик материал ундан геномга оид ахборот олинганидан кейин, уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қўйидагилар кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилиб, йўқ қилинади:

биологик материални йўқ қилиш санаси;

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), жинси, туғилган санаси ва жойи, шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи ва рақами;

йўқ қилиш усули;

биологик материални йўқ қилишни амалға оширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда), лавозими ва имзоси.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатиға олишни амалға оширишда олинган биологик материал геномга оид ахборот олинганидан кейин биологик материал эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма аризасига кўра унга ёки унинг қонуний вакилига қайтарилади ёхуд йўқ қилинади, бу ҳақда аризачи ёзма тарзда хабардор қилинади.

4-бoб. Геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилиш

23-мoдда. Геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар

Ўзбекистон — Германия: СИЁСИЙ ИШОНЧ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Барча йўналишда халқаро шартномаларни тезроқ ратификация қилишда муҳим роль ўйнайдиган алоқаларни мустаҳкамлаш зарур. Давлатимиз қабул қилинган "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ҳар бир ҳудудни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Биз Қорақалпоғистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишдан манфаатдоримиз. Шунинг учун жорий йил декабрь ойида хорижий мамлакатлардаги элчиларни Қорақалпоғистонга таъриф бўйришига тақдир қилдик. Германиянинг Қорақалпоғистон худудларини ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқишда иштирок этиши биз учун жуда муҳимдир, чунки бу йўналишда бир неча лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Учрашувда Германия кўп йиллар давомида энг ишончли ва сингалган ҳамкорлардан бири бўлиб келгани қайд этилди. Икки томонлама муносабатлар мустаҳкам пойдеворга асосланган ҳамда аънаъга қўра ишонч ҳусусиятига эга. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги бери сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар мулоқотларни мустаҳкамлашга қаратилган ушлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда кўп қабил соҳаларда ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Давлатлар ўртасида ўрнатилган сиёсий ишонч ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасида кўп қабил соҳаларда ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Давлатлар ўртасида ўрнатилган сиёсий ишонч ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Халқ сўзи».

2021 йилги Давлат бюджети лойиҳаси: ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР АКС ЭТМОҚДА?

2021 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 688,9 триллион сўмни, Давлат бюджети даромадлари 147 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,3 фоиз даражасида бўлиши кутилмоқда.

Давлат бюджетининг харажатлари эса 165,7 триллион сўмни ташкил этади. Бу 2020 йилдаги нисбатан 24,0 фоиз кўп бўлиб, бунда Давлат бюджети харажатларининг яримдан ортиги ижтимоий соҳаларга йўналтирилди.

Кўнун лойиҳасида бюджет соҳасига оид қатор ўзгаришлар назарда тутилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасига коронавирус пандемияси даврида биринчи даражада бюджет маблағларини тақсимловчи ўчун республика бюджетидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш ўчун капитал қўйилмаларга ажратилмаган маблағларни бошқа биринчи даражада бюджет маблағларини тақсимловчи ўтказиш ваколати берилмоқда. Шунингдек, маҳаллий



Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари юзасидан ўз позициясини билдирди.

Фракциялар қатъий позиция ва таклифларини илгари сурди

Ақтам ҲАЙТОВ, ЎзЛиДеп фракцияси раҳбари: — Бизнинг фикримизча, 2021 йилги Бюджетнома лойиҳасида ўз аксини топан параметрларнинг тўлақонли бажарилиши нафақат иқтисодий, балки жамиятимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар оқиба бўлиши учун муҳим замин яратяпти. Шу боис бюджет лойиҳасида кўзда тутилган ўшбу қўрсаткичларнинг марказда ва жойларда тўлақонли бажарилишидан вазирлик ҳамда идоралар билан бир қаторда, депутатлар ҳам бирдек манфаатдоримиз ва бунинг учун масъул.

Биз ақриятлаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши, инвестиция лойиҳаларининг, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан парламент назоратини янада кучайтириши энг муҳим вазифамиз, деб биламиз. Ўз навбатида, қонун лойиҳасини кейинги ўқишларда янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларимизни билдирдик.

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Кўнун лойиҳасида парламент қўйиш шартлари билан Давлат бюджетининг ижтимоий ва маданий соҳаларга қўйиладиган қўшимча маблағларини қўшимча тақсимлаш бўйича қўшимча таклифларни қўйиш

Навбатдаги давлат гранти танлови

Кеча Олий Мажлис ҳузуриндаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди.

Кеча Олий Мажлис ҳузуриндаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди.

Кеча Олий Мажлис ҳузуриндаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Унда жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Унда жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Миллий либослар — маънавиятимиз кўзгуси

Бужоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан "Ўзтўқимачиликсоноат" уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда ҳамкор ташкилотлар қўлида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийинчи маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган "Нафосат" фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль

Икки кун давом этган фестиваль доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, семинар-тренингда буғунги кунда мода соҳасидаги янгиликлар, келгуси

Икки кун давом этган фестиваль доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, семинар-тренингда буғунги кунда мода соҳасидаги янгиликлар, келгуси

Икки кун давом этган фестиваль доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, семинар-тренингда буғунги кунда мода соҳасидаги янгиликлар, келгуси

Сайёр қабул

Одамлар қандай яшаётти, уларни қийнаётган, ташвиш қилаётган муаммолар нималардан иборат? Бугун мутасаддилар раҳбарлар иш фаолиятини ана шу оддий, аммо ҳаётий саволларни ўзига бериш билан бошлаши керак. Бу — давр талаби.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан секторлар, худудий бошқарма ҳамда ташкилотлар мутасаддилари иштирокида пойтахтимиз туманларида оммавий қабуллар ўтказилди.

Халқ билан мулоқотнинг самарали усули

Хусусан, Сергели ва Янги ҳаёт туманлари аҳолиси учун ташкил этилган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А. Усмонов, туман секторлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар қорхона, ташкилот, муассаса ҳамда хукукни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари қатнашди. Сайёр қабулда аҳолининг муносабатлари атрофида ўрганилиб, улارга шу ерининг ўзида ечим топиш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, Сергели ва Янги ҳаёт туманлари аҳолиси учун ташкил этилган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А. Усмонов, туман секторлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар қорхона, ташкилот, муассаса ҳамда хукукни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари қатнашди. Сайёр қабулда аҳолининг муносабатлари атрофида ўрганилиб, уларга шу ерининг ўзида ечим топиш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, Сергели ва Янги ҳаёт туманлари аҳолиси учун ташкил этилган мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А. Усмонов, туман секторлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар қорхона, ташкилот, муассаса ҳамда хукукни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари қатнашди. Сайёр қабулда аҳолининг муносабатлари атрофида ўрганилиб, уларга шу ерининг ўзида ечим топиш масалалари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис ҳузуриндаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди «Миллатларо мутовулик ва барқарорликни таъминлашда ижтимоий шерикликни қучайтириш» мавзусида давлат грантларини ажратиш учун 5-танловни эълон қилади

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларини назарда тутган ижтимоий аҳамиятага молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. Фуқаролик, миллатларо ва тинчлик ҳамда тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган фестиваллар, форумлар, танловлар, учрашувлар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.
- 2. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда, мамлакатда олиб борилаётган ишловлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказишда миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг ролни ҳамда аҳамиятини юксалтириш.
- 3. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг ижтимоий ва маданий-гуманитар қўшимча ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмидаги тақомиллаштириш.
- 4. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг ижтимоий ва маданий-гуманитар қўшимча ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмидаги тақомиллаштириш.
- 5. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг ижтимоий ва маданий-гуманитар қўшимча ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмидаги тақомиллаштириш.
- 6. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг ижтимоий ва маданий-гуманитар қўшимча ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмидаги тақомиллаштириш.
- 7. Жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини қучайтириш, республикада яшайётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ҳамда то-

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

увликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш.

